

## ШОЛИНИНГ "ЛАЗУРНЫЙ" НАВИДАН КОНДИЦИОН УРУҒЛАР ЧИҚИШИГА ТУРЛИ ЭКИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Усманов Қобил Ғаффор ўғли,

Таянч докторант, Шолицилик илмий тадқиқот институти,

[qobilusmonov9220@gmail.com](mailto:qobilusmonov9220@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Шолининг кечпишар Лазурный навини ҳар хил: шоли уруғларини қуруқ тупроқка сеялкалар ёрдамида экиш, шоли кўчатларини қўл кучи ёрдамида экиш, шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экиш, шоли уруғларини қўл кучи ёрдамида сочма усулда экиш каби усулларда экишнинг кондицион уруғ чиқишига таъсири ўрганилди. Бунда энг яхши натижа шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экилган варианта, кондицион уруғ 6356 кг/га ни, кондицион уруғ чиқиш фоизи 85,2 % бўлганлиги аниқланди

**Калит сўзлар:** Лазурный, экиш усуллари, кондицион уруғ, уруғлик сифати.

### EFFECT OF DIFFERENT PLANTING METHODS ON CONDITIONED SEED YIELD OF RICE VARIETY "LAZURNY"

Usmanov Qobil G‘affor o‘g‘li, PhD student

Rice Research Institute,

[qobilusmonov9220@gmail.com](mailto:qobilusmonov9220@gmail.com)

### ANNOTATION

The influence of sowing various varieties of late-ripening rice Lazurny on dry soil with seeders, manual sowing of rice for seedlings, mechanical sowing of rice for seedlings, manual sowing of rice seeds by conditional sowing was studied. The best results were obtained on the variant of sowing rice by mechanical means, the yield of conditioned seeds of the Lazurny variety was 6356 kg/ha, the yield of conditioned seeds was 85.2%.

**Key words:** Lazurny, planting methods, conditioned seed, seed quality.

Кўпчиликка маълумки, ҳосилнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири бу етиштирилган ҳосилдан саралаш натижасида чиқадиган уруғлик микдори ҳисобланади. Уруғидан экилган шолига нисбатан кўчат усули билан етиштирилган шоли ҳосилидан сара уруғ чиқиши ўртacha 25-27% юқорилиги адабиётларда келтирилган.[1]

Адабий маълумотларга кўра, шоли уруғидан экилиб (суперэлита) юқори агротехник тадбирлар қўлланилганда сара уруғ чиқиши 62-65 % дан ошмаган.[2] Биз тажрибамизда шолидан олинадиган уруғлик ҳосили микдори ва сифатини оширишни мақсад қилиб олдик. Биламизки шоли одатда 2 ҳил усулда: уруғидан ва кўчатидан экилади. Тажрибада шоли 4 ҳил усулда: шоли уруғларини қуруқ тупроққа сеялкалар ёрдамида экиш, шоли кўчатларини қўл кучи ёрдамида экиш, шоли қўчатларини механизмлар ёрдамида экиш, шоли уруғларини қўл кучи ёрдамида сочма усулда экиш экиб ўрганилди. Тажриба учун шолининг кечпишар Лазурный нави танлаб олинди.

1-жадвал

Навлар	Вариантлар	Кондицион уруғни чиқиш микдори		
		Ялпи ҳосил, кг	Кондицион уруғ, кг	Кондицион уруғ, %
Лазурный	Шоли уруғларини қўл кучи ёрдамида сочма усулда экиш	6350	3733	58.8
	Шоли кўчатларини қўл кучи ёрдамида экиш	7140	5940	83.2
	Шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экиш	7460	6356	85.2
	Шоли уруғларини дон сеялкаси ёрдамида экиш	6170	3672	59.5

Шолини Лазурный навини турли экиш усулларида экиб олинган ҳосилдан сара уруғ чиқиши фоизини аниқлаш мақсадида ҳар бир вариантдан олинган ҳосил алохидә бир неча күрсаткычлар бўйича тахлил қилинди ва давлат стандартига асосан ҳисоблаб чиқилди.[3] Тадқиқотларимизда, ивитилган шоли уруғларини сувга сочиб экилган варианта ялпи ҳосил 6350 кг ни, сара уруғ чиқиши 58.8% ни ташкил этиб тоза уруғ 3733 кг ни ташкил этди, шоли кўчатлари қўл кучи ёрдамида экилган варианта ялпи ҳосил 7140 кг ни, сара уруғ чиқиши 83.2 % ни ташкил этиб тоза уруғ 5940 кг ни ташкил этди, шоли кўчатлари механизмда экилган варианта ялпи ҳосил 7460 кг ни, сара уруғ чиқиши 85.2 % ни ташкил этиб тоза уруғ 6356 кг ни ташкил этди, шоли уруғларини дон сеялкаси ёрдамида қуруқ тупроққа экилган варианта ялпи ҳосил 6170 кг ни, сара уруғ чиқиши 59.5 % ни ташкил этиб тоза уруғ 3768 кг ни ташкил этди.[4] (1-жадвал).

Шолини тупроққа ва сочма усулда экилган вариантларда шоли ётиб қолиши натижасида қўчатлардаги пишмай қолган, пуч ва ярим пуч донлар сабабли уруғлик ҳосили камроқ бўлди. Шоли кўчат усулида экилган вариантлар биологик тезпишарлиги ҳамда тўлиқ пишиб етилганлиги сабабли сара уруғ чиқиши миқдори шолини тупроққа ва сочма усулда экилган вариантларга нисбатан 25-26 % га юқорироқ бўлиб, назорат вариантига нисбатан шоли кўчат усулида экилган вариантларда 2200-2300 кг гача қўшимча ҳосил олишга эришилди. Шолини кўчат усулида етиштиришда ҳосил тўлиқ пишиб етилишини таъминланиши натижасида, олинган ҳосилдан 85-86 % сара уруғ олиш имконияти яратилди. Бу эса мазкур усулларни кенг майдонларга самарали жорий этиш ҳамда уруғлик ҳосилини ошириш имконини беради.

### **Адабиётлар рўйҳати**

1. Абдуллаев А.Н.Г Отамирзаев //Кам уруғ сарфлаб юқори ҳосил олиш имкониятлари//. "Шоли ва дукакли-дон экинлари етиштиришнинг муаммолари ва истиқболлари: селекция, уруғчилик, агратехника ва жорий қилиш" мавзусидаги республика илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент 2013. 93-бет.
2. Азизов Б, Умаров Р. //Уруғ сифатини шолининг ўсиш ривожланиш ва кўчат қалинлигига таъсири//. Шоли ва дукакли-дон экинлари етиштиришнинг муаммолари ва истиқболлари: селекция, уруғчилик, агратехника ва жорий қилиш мавзусидаги республика илмий-амалий конференция туплами. Тошкент 2013.(61-63 бетлар)
3. Қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат реестри. Тошкент 2019 й.
4. Қурбонбоев К, Абдуллаев А. Сатторов М //Шоли экиш бўйича тавсиялар// Тошкент 2013